ЎзА якуни: 00.20
Босишга топширилди: 01.10

2007 YIL 30 MART, JUMA

# Qishloq HAYOTI

O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi

1974 yil 1 yanvardan chiqa boshlagan

№ 40 (7.189). Sotuvda erkin narxda

# Оқсаройда қабул

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 29 март куни Оқсаройда ФИФА президенти Йозеф Блаттерни қабул қилди.**

Мамлакатимиз раҳбари меҳмонни юртимизга ташрифи билан қутлар экан, футболни ривожлантиришда ушбу нуфузли ташкилот билан ҳамкорлик муҳим ўрин тутишини таъкидлади.

- Биз Сизни нафақат ФИФА президенти, балки миллий ва халқаро футбол ривожига салмоқли ҳисса қўшиб келаётган етук арбоб сифатида ҳам яхши биламиз, - деди Ислом Каримов.

Бутун дунёда футбол билан боғлиқ жараёнларни бошқариш учун ягона бир ташкилот тузиш зарурати ўтган аср бошларида пайдо бўлган эди. Футбол мусобақалари кўпайиб, оммавийлашиб бориши натижасида 1904 йил 21 май куни Парижда Халқаро футбол федерацияси – ФИФАга асос солинди. Ташкилот 1930 йили Уругвайда футбол бўйича биринчи жаҳон чемпионатини ўтказди. Иккинчи жаҳон уруши даврини ҳисобга олмаганда, шундан буён ҳар тўрт йилда жаҳон биринчилиги ташкил этиб келинмоқда.

ФИФА спортни, жумладан, футболни оммалаштириш ва ривожлантириш борасида Ўзбекистон қўлга киритаётган ютуқларни юксак қадрлайди. Зеро, истиқлол йилларида ўзбек футболи тараққиёти янги босқичга кўтарилди. Президент Ислом Каримов раҳнамолигида юртимизда спортнинг барча турлари сингари футболни ривожлантиришга бўлган эътибор давлат сиёсати даражасига кўтарилди. 1996 йилнинг 17 январида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистонда футболни ривожлантиришнинг ташкилий асослари ва принципларини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида», 1996 йилнинг 13 мартида «Футболни ривожлантиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари қабул қилиниб, ҳаётга изчил татбиқ этилаётир. Натижада, юртимизнинг барча вилоят, шаҳар ва туманларида футболни ривожлантиришга эътибор кучайди. Ёшлар, айниқса, болаларнинг спортнинг бу оммавий тури билан шуғулланиши учун зарур шарт-шароитлар яратилмоқда. Футболни ривожлантириш ва спортчилар камолоти борасида кўрсатилаётган ана шундай эътибор ва ғамхўрлик ўз самарасини бермоқда. Мамлакатимиз футбол жамоалари халқаро мусобақаларда кўплаб совринли ўринларни қўлга киритмоқдалар. 1994 йили футболчиларимиз Японияда ўтган Осиё ўйинларида ғолибликни қўлга киритгани бунинг ёрқин далилидир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 1 май куни қабул қилинган «Ўзбекистонда футболни ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори юртимизда футболни янада ривожлантиришда муҳим омил бўлаётир. Давлатимиз раҳбарининг спорт, жумладан, болалар спорти ривожига кўрсатаётган ғамхўрлиги шаҳар ва қишлоқларимизда қад ростлаётган замонавий спорт мажмуаларида ҳам ўз ифодасини топмоқда. Албатта, бу эътибор замирида соғлом авлодни вояга етказишдек хайрли мақсад мужассамдир.

Йозеф Блаттер 2004 йили ҳам Ўзбекистонга келган эди. Бу сафар унга Осиё футбол конфедерацияси президенти Муҳамад Хаммам Ал-Абдулла ҳамроҳлик қилмоқда. Уларнинг юртимизга ташрифи асносида «Гол-1» лойиҳаси доирасида Ўзбекистон футбол федерациясининг янги биноси, сунъий газонли стадион фойдаланишга топширилди.

Ислом Каримов Ўзбекистонда футбол дастурларини ривожлантириш ва қўллаб-қувватлашга қўшган улкан ҳиссаси, ёш соғлом авлодни шакллантиришдаги иштироки ҳамда халқлар ўртасидаги дўстлик ва ўзаро ҳамжиҳатликни мустаҳкамлашдаги самарали фаолияти учун Йозеф Блаттерга «Дўстлик» орденини, Муҳамад Хаммам Ал-Абдуллага «Шуҳрат» медалини топширди.

Меҳмонлар юксак эътибор учун Президентимизга миннатдорлик билдирдилар.

Оқсаройдаги учрашувда Ўзбекистон футбол федерацияси билан ФИФА ва Осиё футбол конфедерацияси ўртасидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш масалалари юзасидан фикр алмашилди.

**(ЎзА)**

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг* **ФАРМОНИ**

## Йозеф Блаттер ва Муҳамад Хаммам Ал-Абдуллани мукофотлаш тўғрисида

**Ўзбекистон Республикасида футбол дастурларини ривожлантириш ва қўллаб-қувватлашга қўшган улкан ҳиссаси, ёш соғлом авлодни шакллантиришдаги иштироки ҳамда халқлар ўртасидаги дўстлик ва ўзаро ҳамжиҳатликни мустаҳкамлашдаги самарали фаолияти учун қуйидагилар мукофотлансин:**

**"Дўстлик" ордени билан**

**Йозеф Блаттер** - Халқаро футбол федерацияси президенти (ФИФА)

**"Шуҳрат" медали билан**

**Муҳамад Хаммам Ал-Абдулла** - Осиё футбол конфедерацияси президенти (АФК)

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**
**И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2007 йил 28 март

*Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 29 март куни Оқсаройда Корея Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, таълим ва инсон ресурсларини ривожлантириш вазири Ким Шин Илни қабул қилди.*

# Стратегик ҳамкорлик амалда

- Сизни фақат Корея Республикаси Бош вазирининг ўринбосари эмас, балки таълимга оид ҳамда ижтимоий дастурлар бўйича етук мутахассис сифатида ҳам ҳурмат қиламиз, - деди Ислом Каримов. - Юртингиздаги таълим соҳасидаги ислоҳотларда, ижтимоий ўзгаришлар ва инсон ресурсларини ривожлантиришда сизнинг ҳиссангиз катта экани маълум.

Таъкидлаш жоизки, Корея Республикасининг таълим соҳасидаги ислоҳотлари кўп жиҳатдан Ўзбекистондагига ўхшайди. Ушбу мамлакатнинг таълим тизими мактабни, коллеж ва университет, жумладан, магистратурани ўз ичига олади. ЮНИСЕФ экспертлари Жанубий Корея таълим тизимини саноати ривожланган мамлакатлар орасида энг самарали, деб эътироф этган.

Ўзбекистон билан Жанубий Корея ўртасида барча соҳаларда, хусусан, сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий соҳалардаги ҳамкорлик изчил ривожланиб бормоқда. Бу борада таълим соҳасидаги алоқалар алоҳида ўрин тутади.

Корея халқаро ҳамкорлик агентлиги (KOICA) йўлланмаси билан иқтисодиёт, тиббиёт, таълим каби муҳим соҳаларда хизмат қилаётган юзлаб юртдошларимиз Жанубий Кореядаги махсус курсларда малака оширяпти. Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳузурида Ахборот технологиялари маркази ишлаб турибди.

Президент Ислом Каримовнинг 2006 йил март ойида Корея Республикасига давлат ташрифи чоғида мамлакатларимиз ўртасида Стратегик шериклик тўғрисида қўшма декларация имзоланди. Унда таълим соҳасидаги ҳамкорликка катта аҳамият берилган. Зеро, ҳар қандай мамлакатнинг эртанги куни бугун тайёрланаётган кадрларга боғлиқдир.

Корея Республикасининг Иқтисодий тараққиёт ва ҳамкорлик жамғармаси - EDCFнинг Ўзбекистонда таълим соҳасини ахборотлаштириш бўйича лойиҳасида мамлакатимиздаги бир ярим мингдан ортиқ мактабга 22 мингта компьютер етказиб бериш ва Мультимедияли таълим дастурларини ривожлантиришга доир марказ ташкил этиш кўзда тутилган. 2005 йилда KIPA ташкилоти ушбу лойиҳанинг техника-иқтисодий асосини ўрганиб чиқди ва бир йил ўтиб Корея Республикасининг Экспорт-импорт банки бунинг учун 29,6 миллион АҚШ доллари миқдорида маблағ ажратди. 2006 йилги Сеул саммитида Ўзбекистон Молия вазирлиги билан Корея Эксимбанки ўртасида тузилган битимда айнан ана шу назарда тутилган.

Мамлакатларимиз фанлар академиялари, маданият ва санъат намояндаларининг ҳамкорлиги ҳам ривожланиб бормоқда. Турли симпозиумлар, рассомларнинг кўргазмалари ўтказилмоқда. Ҳар икки йилда Самарқанд шаҳрида ўтказиладиган «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивалида кореялик созанда ва хонандалар қатнашиб келмоқда. Юртдошларимиз Корея киноларини севиб томоша қилишади.

Ким Шин Ил Корея Республикаси Ўзбекистон билан ҳамкорликни ривожлантиришдан манфаатдорлигини, хусусан, таълим соҳасидаги алоқаларни ҳар томонлама мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратишини таъкидлади.

Мулоқот чоғида Ўзбекистон билан Жанубий Корея ўртасида гуманитар соҳадаги кенг қамровли ҳамкорликни янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш масалалари юзасидан фикр алмашилди.

**(ЎзА)**

# Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг тўққизинчи ялпи мажлиси тўғрисида АХБОРОТ



29 март куни Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг тўққизинчи ялпи мажлиси очилди.

Мажлисда Вазирлар Маҳкамасининг таклиф этилган аъзолари, фаолияти Сенатнинг ялпи мажлиси кун тартибига киритилган масалаларга дахлдор давлат органларининг раҳбарлари ҳозир бўлдилар.

Мажлисни Олий Мажлис Сенатининг Раиси И.Собиров олиб борди.

Сенаторлар ўз ишларини Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов томонидан Қонунчилик палатасига лойиҳалари киритилган «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конституциявий Қонунини ҳамда «Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига (89-моддасига, 93-моддасининг 15-бандига, 102-моддасининг иккинчи қисмига) тузатишлар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини, шунингдек «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конституциявий Қонуни қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини кўриб чиқишдан бошладилар.

Шу нарса алоҳида таъкидландики, мазкур ҳуқуқий ҳужжатларнинг қабул қилиниши демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш зарурати, мамлакатимизнинг давлат ва ижтимоий турмушида сиёсий партияларнинг роли ҳамда ўрнини кучайтиришга қаратилган азму қарор тақозоси эди.

Ана шу қонунлар лойиҳа тарзида кенг кўламдаги умумхалқ муҳокамасидан ўтди. Мамлакатимизнинг турли минтақаларида фақатгина сенаторлар, маҳаллий Кенгашлар депутатлари иштирокида 300 дан ортиқ конференция, семинар ва давра суҳбатлари ўтказилди. Уларда мазкур қонунлар сиёсий партияларга ижтимоий-сиёсий жараёнларга таъсир ўтказиш, давлат бошқарувини янгилашда, мамлакатни янада демократлаштиришда фаол тарзда иштирок этиш учун улкан имкониятлар яратиб беради, деб таъкидланди.

**(Давоми 2-бетда)**



Урганчлик ёш ҳунарманд Севинчой Салаева зардўзлик ва тикувчилик сирларини чевар онаси Зулфия опадан ўрганган. У ҳунармандлар сулоласининг учинчи авлоди.

СУРАТДА: Севинчой Салаева устози Зулфия опа билан.

**Б.АКРАМОВ олган сурат.**

## Куннинг муҳим воқеалари

**● Шанхай ҳамкорлик ташкилоти (ШҲТ) Бош котиби Б.Нургалиев 27-28 март кунлари Тошкентда бўлди.**

**● Ўзбекистон Болалар жамғармасининг пленумида ўтган йилги фаолият якунлари ва «Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастури вазифаларига мувофиқ равишда жорий йил режалари муҳокама қилинди.**

**● Мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Халқаро футбол уюшмалари федерацияси – ФИФА президенти Йозеф Блаттер Ўзбекистон футбол федерациясининг янги биноси ва ФИФАнинг "Гол-1" лойиҳаси доирасида қурилган сунъий газонли футбол майдонининг очилишида иштирок этди.**

**● Фарғона вилояти халқ таълими бошқармаси, таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси вилоят кенгаши ҳамкорлигида Қўқон шаҳрида Ижтимоий ҳимоя йили муносабати билан соҳа ходимлари ўртасида спартакиада мусобақалари ўтказилди.**

**● Бухоро давлат университети қошида пойтахтимизда фаолият кўрсатаётган Ўзбекистон-Япония Инсон ресурсларини ривожлантириш марказининг филиали очилди.**

**● Пойтахтимизда хотин-қизлар Интернет фестивали якунланди.**

**● Тошкентда Ўзбекистон–Австрия бизнес-форуми бўлиб ўтди.**

**● Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида "Абдулла Қаҳҳор - сўз санъаткори" мавзуида илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.**

**● Наврўз байрами кунларида Тошкентдаги «Янги авлод форуми» болалар ижодиёти марказида ташкил этилган байрам концерти бу ерда шуғулланаётган ёш истеъдодлар ишининг биринчи кўриги бўлди.**

**● Тошкентда "Дастурий таъминот соҳасида муаллифлик ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг долзарб муаммолари: қонунчилик ва уни амалга ошириш механизмлари" мавзуида давра суҳбати бўлиб ўтди.**

**● Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетида Республика Маънавият тарғибот маркази ҳамда Гулистон давлат университети билан ҳамкорликда "Темурийлар даврида Самарқанд" мавзуида конференция бўлиб ўтди.**

***Мамлакатимиз Президентининг 2006 йил 25 августдаги "Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида"ги қарорида таъкидланганидек, халқимиз, айниқса, ёш авлод қалби ва онгига она юртга муҳаббат, Истиқлолга садоқат туйғуларини чуқур сингдириш, қадриятларимиз, анъана ва урф-одатларимизни асраб-авайлаб, уларнинг давомийлигига эришиш тобора муҳим аҳамият касб этмоқда.***

# Миллий ва умумбашарий қадриятлар уйғунлиги

Юртдошларимизнинг ҳаётга онгли муносабатини шакллантириш, халқаро майдонда юз бераётган воқеаларга дахлдорлик ҳиссини ошириш, ёшларимизни турли мафкуравий хуружлардан ҳимоя қилиш сингари долзарб вазифалар миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишларни замон талаблари асосида ташкил қилишни тақозо этаяпти. Шу боис, юқорида қайд этилган қарорда бу борада амалга оширилиши зарур бўлган чора-тадбирлар белгилаб берилди. Мазкур ҳужжатга мувофиқ, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ёрдамчиси лавозими жорий этилиб, улар иш бошлаганларидан буён маълум муддат вақт ўтди.

Хўш, миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш учун Бухоро, Тошкент ва Наманган вилоятларида қандай амалий чора-тадбирлар кўрилмоқда? Бу йўналишда келгусига мўлжалланган режалар нималардан иборат? Қуйида шу саволларга мутасаддиларнинг жавоблари билан танишасиз.

***Бобир КАРИМОВ, Бухоро вилояти ҳокимининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ёрдамчиси:***

– Яқинда вилоятимизда шундай бир сўровнома ўтказилди: "Маънавият ва маърифат ўқувлари" Сизни қониқтирадими?" деган саволга сўралганларнинг 80 фоизи "Ҳа" деб жавоб беришган. Қолганлар эса "Бундай ўқувларни янада такомиллаштириш мақсадга мувофиқ", дея қайд этишган. Сўралганларнинг аксарияти шундай ўқувларни келгусида ҳам изчил давом эттириш зарур, деган фикрни билдиришган.

Ҳар ойнинг биринчи жума куни вилоятдаги барча меҳнат жамоаларида "Маънавият ва маърифат ўқувлари" ўтказилиши анчадан бери яхши анъанага айланган. Мафкура соҳасида фаолият кўрсатувчи мутахассислар маълум тажрибага эга бўлишди. Ҳар бир ўқувга у ўтказиладиган вақтнинг энг муҳим масаласи мавзу қилиб олиниши, фикр-мулоҳазалар ҳаётдан олинган жонли мисоллар билан таъсирли тарзда баён этилиши, бундай тадбирларга мулоқотга дахлдор ташкилот ва идораларнинг мутасаддилари жалб қилиниши машғулотлар таъсирчанлигини оширмоқда. Ўқув режалари, мавзуларда қамраб олинадиган масалалар вилоят Маънавият ва маърифат кенгаши томонидан кўриб чиқилиб, зарур қўшимча ҳамда ўзгартиришлар киритилган ҳолда тасдиқланиши бу борадаги ишлар самарасини таъминлаяпти. Сўровнома натижалари ҳам айнан шуни тасдиқлади.

Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш мақсадида вилоят миқёсидаги "Мактаблар куни" тадбирини "Ижтимоий ҳимоя йили"да изчил ўтказиш белгилаб олинди. Унинг доирасида учрашувлар, мулоқотлар ва бошқа тадбирлар уюштирилиши тарихий хотира, миллий ғурур, комил инсон тарбияси билан боғлиқ туйғу ва тушунчаларни ёш авлод онгига таъсирчан услублар орқали сингдиришда муҳим аҳамият касб этади.

***Раҳматилла ШЕРАЛИЕВ, Тошкент вилояти ҳокимининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ёрдамчиси:***

– Маънавий-маърифий тадбирларда у ёки бу ҳудуднинг ўзига хос хусусиятларини инобатга олиш, ҳар бир масалага айнан шу нуқтаи назардан ёндашиш иш самарадорлигини таъминлайди. Тоғли ҳудудлар учун тайёрланган тадбир билан шаҳар атрофидаги туманларда муваффақият қозониш мумкин эмас. Масалага йирик саноат шаҳарларида ва қишлоқ туманларида бир хил ёндашиб бўлмайди. Қолаверса, ҳар бир ҳудуднинг турли жиҳатлари борки, улар билан ҳисоблашиш керак.

Айнан ана шу мезон вилоятда олиб борилаётган маънавий-маърифий ишларнинг асосини ташкил этмоқда. Бугун одамлар орасига кирадиган мутахассиснинг ўзига хос мафкуравий харитаси бўлиши лозим. У жуда кенг қамровли масалаларни ўз ичига олиб, психологик, ижтимоий-иқтисодий муносабатлар билан бир қаторда одамлар турмуш тарзи, урф-одатлари, қадриятлар ва яна талайгина омилларни ўзида мужассамлаштиради.

*Бугуннинг гапи*

Маълумки, таъсир кўрсатишнинг одамлар билан якка тартибда ишлашдан тортиб, турли тадбирлар уюштиришгача кўплаб усуллари бор. Буларнинг ҳар биридан қачон, қаерда ва қандай фойдаланиш лозимлигини юқорида таъкидланган мезонга кўра белгиламоқдамиз. "Ижтимоий ҳимоя йили" Давлат дастурининг мазмун-моҳиятини оммага етказишда ўзига хос воситаларни ишга солмоқдамиз. Сингдирилиши лозим бўлган фикр амалий иш билан мустаҳкамланиб, сўз ва иш бирлигини таъминлашга ҳаракат қилинаяпти. Чунончи, Наврўз байрами олдидан вилоятнинг шаҳар ва туманларида "Саховат" тадбири ўтказилди. Наврўз меҳнат ва яратувчилик айёми бўлиши билан бир қаторда, саховат байрамидир. Шу боис саховатпеша тадбиркорлар, мурувватли инсонлар эҳтиёжманд оилаларга меҳр-мурувват кўрсатишди. Пишиқ-пухта тайёрланган тадбирда жойлардаги бадиий ҳаваскорлик жамоалари имкониятларидан, кўргазмали тарғибот ва ташвиқот воситаларидан кенг фойдаланилди. Булар одамларнинг кайфиятини кўтаришга хизмат қилди. Мазкур тадбирда эҳтиёжманд оилаларга ҳомийлар томонидан 302 бош қорамол, 100 бош қўй-эчки, 23000 бош парранда, 25 тонна омихта ем билан кўмаклашилди. Уларнинг 120 миллион сўмлик коммунал тўловлари амалга оширилди, жами беш мингга яқин оилаларга моддий ёрдам кўрсатилди.

Энг муҳими, "Ижтимоий ҳимоя йили" Давлат дастури мазмун-моҳиятининг тарғиботчилари сафи амалий мадад олганлар ҳисобига кўпайди. Яхши гапнинг қаноти бор, деганларидек, мазкур тадбир оғиздан-оғизга ўтди, анъанага айланиб бормоқда. Мақсадимиз – бундай амалий ишларни изчил давом эттириб, тарғиботнинг таъсирчан ва самарали бўлишига эришишдан иборат.

***Тоҳиржон ДЕДАХОНОВ, Наманган вилояти ҳокимининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ёрдамчиси:***

– Халқимиз "Қари билганини пари билмас", деб бежиз айтмаган. Шу ҳисобга олиниб, миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш борасидаги саъй-ҳаракатларимизда катта ҳаёт тажрибасига эга бўлган меҳнат фахрийлари, таниқли олимлар ва мураббийлардан иборат ўн иккита "Нуроний тарғиботчилар" гуруҳлари фаол қатнашаётганлиги айни муддао бўлмоқда. Бу борада вилоят "Нуроний" жамғармасининг мадади қўл келаяпти. "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят бўлими фахрийлардан ўрнак олди. Шу мақсадда "Фидойи ёшлар клуби" тузилган. Халқ таълими тизими кўмагида эса "Миллий ғоя тарғиботчилари гуруҳи" кенг кўламда иш олиб бормоқда. Нуронийлар, ёшлар, таълим соҳаси воизларининг жонбозлиги билан меҳнат жамоаларида, 856 та маҳаллада, таълим муассасаларида ва бошқа жойларда юзлаб учрашувлар, суҳбатлар ҳамда бошқа тадбирлар ўтказилди.

Аҳолининг аксарият қисмини эндигина ҳаётга кириб келаётган ёшлар ташкил этиши назарда тутилиб, улар ўртасида тарғибот-ташвиқот ишларини жонли, таъсирчан, кундалик турмушдан олинган мисоллар билан олиб бориш диққат марказида турибди. Наманган давлат университети, муҳандислик педагогика институти, муҳандислик иқтисодиёт институти, 79 та касб-ҳунар коллежи ва академик лицейлар, 678 та умумтаълим мактаби ҳамда бошқа ўқув юртлари қамраб олинган ҳолда "Маънавият ва маърифат ойлиги" ўтказилганлиги яхши самара берди. Шу тадбирлар доирасида Ўзбекистон Мусулмонлари идораси раисининг ўринбосари Абдулазиз Мансур ва бошқа таниқли кишилар билан учрашув ўтказилганлиги, бу мулоқот оммавий ахборот воситалари, жумладан, Наманган ва "Шарқ" телевидениелари орқали муфассал кўрсатилганлиги унинг таъсирчанлигини янада оширди. Ёшларни турли мафкуравий хуружлардан асраш, уларнинг ҳуқуқий билимларини юксалтириш, аждодларимизнинг бой маънавий мероси асосида тарбиялаш мақсадида ҳуқуқ-тартибот идоралари мутасаддилари, эл-юртга танилган ишлаб чиқариш илғорлари, ёзувчилар, шоирлар билан учрашувлар ташкил этилаётганлиги, суҳбатлар ўтказилаётганлиги, маърузалар уюштирилаётганлиги пировард натижага эришишда муҳим аҳамият касб этмоқда. Шунингдек, чегара ҳудудлари ҳисобланган Косонсой ва Чортоқ туманларида бошқа тадбирлар билан бирга вилоят ўлкашунослик музейи томонидан кўчма кўргазмалар ташкил этилганлиги аҳоли, айниқса, ёшларнинг юртимиз бой тарихи ва анъаналарига меҳр-муҳаббатини оширишга муҳим ҳисса бўлиб қўшилди.

Ижтимоий ҳимоя йилидаги режаларимиз ғоят кўп. Хусусан, ўрта махсус касб-ҳунар таълими бошқармаси тизимидаги барча билим юртларида олти соатлик ўқув дастури асосида алоҳида дарс машғулотлари олиб бориш ва унинг якунида "Миллий ғоя – ёшлар тафаккурида" мавзуида иншолар танловини ўтказишни кўзлаб турибмиз.

Суҳбатдошлар таъкидлашганидек, инсоннинг комилликка эришишида унинг ахлоқ-одоби, руҳияти, ақл-идроки, дунёқараши, билим доираси ва бошқа кўпдан-кўп жиҳатларни мужассам этувчи маънавияти асосий омил бўлади. Зотан, шуларнинг барчасида инсоннинг ўзлиги акс этади. Ота-онанинг ҳурматини ўрнига қўйиш, оиланинг тинч-тотувлигига интилиш, марҳум авлод-аждодлар, устозларни хотирлаб, уларни ёд этиш, эл-юрт корига яраш, касб-ҳунарга содиқ бўлиш, ўз номини покиза сақлаб, одамларнинг эътиборини қозониш... Ана шу ҳис-туйғулар, хислатлар инсон юрагидаги эзгулик уруғи бўлиб, уни ҳамиша яхшиликка ундайди. Улар инсон қалбига доимо ёрқин нур бағишлаб туради.

Президентимизнинг юқорида қайд этилган қарорида миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишларни бой тарихимиз, анъана ва урф-одатларимизга таяниб, бугунги равнақ тамойилларига ҳамоҳанг равишда олиб бориш, аждодларимизнинг бу борадаги меросини ҳозирги тараққиёт талаблари билан узвий ҳолда ривожлантириш, тарғиботни миллий ва умумбашарий қадриятлар уйғунлиги асосида ташкил этиш зарурлиги таъкидланган. Ана шу вазифалар доимий дастуриламал бўлиб қолиши зарур.

**Суннат САЙДАЛИЕВ**

| УзРТСБ Биржевые котировки сум/кг | БЕНЗИН (80) | БЕНЗИН (91) | ДИЗ.ТОПЛИВО | МАЗУТ | СЖ.ГАЗ | МАСЛО ХЛОПК. | САХАР | КОМ.КОРМ |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | 747,1 ▲ + 16,7 | 843,7 ▲ + 12,6 | 596,9 ▲ + 3,8 | 133,1 ▲ + 1,8 | 425,3 ▼ - 3,5 | 927,5 ▼ - 30,5 | 883,2 ▲ + 1,2 | 122,7 ▼ - 0,3 |

